

Четга чиқиш учун АЛИМЕНТ ПУЛИ ОЛДИНДАН ТҮЛАНДИ

Алимент түловчи шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатта чет давлатга кетаётганида алимент олувчи билан келишув тузиши шарт.

Алимент түлаш түғрисида келишувга эришилмаган тақдирда манфаатдор шахс алимент миқдорининг пул билан түланадиган қатъий суммада белгиланиши ва алиментни бир йўла түлаш түғрисида ёки алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд алиментни бошқа усулда түлаш түғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Марғилон шаҳрида яшовчи У.С. ҳам хорижга ишлаш учун кетаётганлиги сабабли алимент пулларини олдиндан тўлаб қўйишни лозим топди.

Иш ҳужжатларига кўра, фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг 05.05.2017 йилдаги ижро ҳужжатига асосан қарздор У.С.дан ундирувчи Д.О.нинг фойдасига бир нафар фарзандининг таъминоти учун алимент ундирилиши белгиланган.

Бюронинг Марғилон шаҳар бўлими томонидан ижрони таъминлаш мақсадида қарздор У.С.нинг Ўзбекистон ҳудудидан четга чиқиш ҳуқуқлари тегишли қонун талабларига кўра чеклаб қўйилган.

Шу сабабли, хорижга чиқиш истагида юрган қарздор 2.900 АҚШ доллари миқдорида алимент пулларини олдиндан тўлаб қўйди.

Ундирувчининг аризасига биноан қарздор У.С.га нисбатан қўлланилган чеклов чоралари бекор қилинди.

Ойбекжон Мухаммаджонов, Бюронинг Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари

2024-06-29 19:36:40